O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI XALQ DEPUTATLARI SHOVOT TUMANI KENGASHI

Q A R O R I

221000, Shovot tumani, Turkiston ko’chasi 73-uy, telefon: (62) 34-51-882, faks: 34-51-900

2021-yil 27 - март 35-149 -son Shovot t.

Шовот туманида янги ташкил қилинган кўчани номлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Қонунининг 10-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 октябрдаги “Географик объектларнинг номларини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 295-сонли ва 2014 йил 4 мартдаги 48-сон Қарори билан тасдиқланган “Шаҳарлар, посёлкалар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ туман ҳудудий комиссиясининг хулосасини инобатга олиб, Халқ депутатлари Шовот туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Географик объектларга ном бериш ва уларни қайта номлаш тўғрисидаги таклифларини давлат экспертизасидан ўтказиш эксперт комиссиясининг 2020 йил 4 декабрдаги 03-08-9746-сонли хулосасига мувофиқ туман ҳокимининг аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига ном бериш, уларнинг номларини ўзгартириш ҳамда янги кўчаларга ном бериш тўғрисидаги Шовот тумани ҳокимининг маънавий-маърифий ишлари самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун хужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси Абдиримова Дилдор Комиловнани таклифи маъқулансин.

2. Туманда янги ташкил қилинган кўчани номи иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Туман статистика бўлими (М.Эржанов), туман қурилиш бўлими бошлиғи в.в.б (С.Хўжаниязов), туман ҳокимлиги билан биргаликда номлари ўзгартирилган кўчаларни, шунингдек янгидан номланган кўчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва электрон базани шакллантириш, иш юритиш

ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритиш билан боғлиқ барча тадбирларни амалга оширсин.

4. Туман ички ишлар бўлими (Ў.Хусаинов) номлари ўзгарган кўчаларда яшовчи аҳолининг фуқаролик паспортларига, мазкур ҳудуд акс эттирилган йўл белгиларига тегишли ўзгартиришлар киритиш ишларини ташкилий равишда амалга оширсин.

5. Туман қурилиш бўлими бошлиғи в.в.б (С.Хўжаниязов) ҳудудларда янги номланган ва номлари ўзгартирилган аҳоли пунктларининг таркибий қисмларини янги номлари ёзилган кўрсаткич ва белгилар, пешлавҳаларни замонавий дизайн асосида босқичма–босқич ўрнатилишини таъминласин.

6. Мазкур қарор расмий манбаларда эълон қилинсин ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

7. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

8. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари Шовот тумани Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожланиш ва ёшлар сиёсати ҳамда Соғлом авлодни тарбиялаш масалалари бўйича доимий комиссияси (Ғ.Олламов), Халқ депутатлари Шовот тумани Кенгашининг Қонунийлик, ҳуқуқ–тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссияси (И.Жуманазаров) зиммаларига юклатилсин.

Халқ депутатлари Шовот тумани
Кенгаши раиси, туман ҳокими **Х.Отаханов**